

# Xabar

43

(997)-son

28-oktabr


www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси: Ҳамкорлик учун қўлай имкониятлар



Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси туфайли Ўзбекистон дунёнинг тез ривожланаётган давлатлари қаторига чиқиб олди. Айниқса, иқтисодий ислох қилиш ва модернизациялаш жараёнининг давом эттирилиши, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши натижасида барқарор ўсиш суръатларини, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга, ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қўлаб янги иш ўринлари яратилишига эришилмоқда. Шу билан бирга, саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Булар шу кунларда "Ўзэкспомарказ" да ўтказилаётган V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

4-5 бетлар

### Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Facebook ўзининг АҚШ ҳудудидан ташқарида жойлашган биринчи маълумотлар маркази (дата-центр)ни Швециянинг Лулса шаҳарчасида қурмоқчи. Бу шаҳарча шимолий қутбда жойлашган. Маълумотлар марказида 17та футбол майдонига тенг келадиган ҳудудда учта сервер зали жойлаштирилади. Мазкур марказ ўла куч билан ишлаб туриши учун 50 000 кишилик шаҳарча сарфлайдиган электр энергиясидан фойдаланилади.

Бундай йирик маълумотлар марказини айнан Швецияда қуришдан мақсад — серверларни совутовчи тизимлардан фойдаланишга ҳожат йўқлиги. Лулса шаҳарчасида об-ҳавонинг ўртача кўрсаткичи +2 даражани ташкил этади.

### Ушбу сонда:

■ Яқунлар ва вазифалар	2
■ Она тилим — онажон тилим	3
■ Заседание объединенного научного семинара	6
■ Мобил телефон зарарлими?	11
■ Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 октябр куни Оқсаройда амалий ташир билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди. Суҳбат чоғида томонлар икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кунини муносабати билан бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тошкентда 25 октябр куни Ўзбекистон — Озарбайжон маданий алоқаларига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларнинг тарихи, бугунги аҳволи ва истиқболлари, мумтоз мусиқалар аънаналари уйғунлиги, ўзаро маданий ва маънавий алоқаларга оид маърузалар тингланди.

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамда "Қамолот" ЁИХ вилоят бўлими ташаббуси билан "Minitex.UZ" халқаро кўргазмаси ташкил этилди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури" доирасида ўтказилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган 100га яқин корхона вакиллари, хусусий тадбиркорлар ҳамда хорижлик ишбилармонлар қатнашди.

Пойтахтимизда "Олтин гепад" Биринчи Тошкент Халқаро кинофоруми ўтказилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жағфармаси ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кинофорумга жаҳоннинг машҳур санъаткорлари, актёрлари ташир бўуришди.

Сингапурда Ўзбекистонга бағишланган "Ўзбекистон — Буюк ипак йули ганжинаси" номли махсус журнал чоп этилди. Журналининг мустақил ривожланиш йилларида эришган муваффақиятлари, Ўзбекистон — Сингапур муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари, мамлакатимизнинг сармоявий салоҳияти мавзуларида доир атрофлича маълумотлар мазкур журнал саҳифаларида ўз ифодасини топган.

# Якунлар ва вазифалар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида жорий йил тўққиз ойлик якунлари муҳокама қилинди

Мажлис видеоселектор орқали вилоятлар марказларига, радиоселектор орқали эса туманларга узатилди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси Х.Муҳитдинов бошқарди.

Кун тартибидagi асосий масала — "2011 йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Мирзахидов маъруза қилди. Маърузачи 2011 йилнинг 9 ойида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналари томонидан амалга оширилган ишлар, муаммо ва камчиликлар ҳамда келгуси вазифалар хусусида сўз юритди.

Ҳисобот даврида экспорт ҳажми 90,4 млн. АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 54,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастурига Агентлик бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича 2011 йилнинг 9 ойидаги жами 202,8 млн. АҚШ доллари (348,3 млрд. сўм) ўзлаштирилди.

Республика магистрал ва зонаичи тармоқларини модернизация қилиш ва ишончилигини ошириш ҳамда ФТТх технологияларини жорий этиш лойиҳалари доирасида оптик алоқа линияларини қуриш ишлари бўйича бугунги кунда Тошкент шаҳрида ФТТВ технологияси асосида кўп қаватли биноларда 112,1 км. оптик толали алоқа линиялари ётқизилди.

2011 йилда режалаштирилган 950 км. узунликдаги оптик толали алоқа кабел тармоғи учун бугунги кунда 930 км.га ОТАК ётқизилди.

2011 йилнинг 29 сентябр ҳолатига "Ўзбектелеком" АК Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ)га уланган интернет каналларининг умумий тезлиги 3750 Мбит/с.ни ташкил этиб, жорий йил давомида халқаро интернет каналлари тезлиги қўшимча 1240 Мбит/с. (ўсиш суръати 1,5 баробар)га оширилди.

Кенг полосали абонентлар сонини 100 мингга етказиш мақсадида, 2011 йил март ойида 27,5 минг портга тенг DSLAM қурилмалари келтирилиб, ишга туширил-

ди. Бундан ташқари, тармоқда эксплуатация қилиб келинаётган мавжуд DSLAM қурилмаларни имкониятдан келиб чиққан ҳолда умумий 16 792 портга кенгайтириш учун шартномалар имзоланди ва ҳозирда қурилмаларнинг келтирилиши кутилмоқда.

Ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш мақсадида "Электрон таълим" миллий тармоғини барпо этиш лойиҳаси бўйича бугунги кунда қурилиши лозим бўлган 223,95 км. оптик толали алоқа линиялари тўлалигича тугатилди, яъни 165та объектга оптик алоқа линиялари қурилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 667та (шу жумладан, 2011 йилнинг 9 ойидаги 454та, ўсиш 1,5 баробар) алоқа бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун компьютерлаштирилган, улардан 164таси "Ўзбектелеком" АК филиалларининг биллинг тизимига On-line тартибда уланган. Аҳолига нақд пулсиз хизматлар кўрсатиш мақсадида ОАТ "Алоқабанк" ҳамда бошқа банкларнинг пластик картчалари билан ишлаш бўйича почта алоқаси объектларида 94та терминал ўрнатилган. Почта хўналарини саралашда штрихкодларни ўқиб олуви мосламалар ишлатилмоқда, бу рўйхатта олинаётган кирувчи почта хўналарини тўғрисидаги маълумотни автоматик тарзда компьютерга киритилишини таъминламоқда.

2011 йил 9 ой якунида 378та давлат интерактив хизматларидан он-лайн шаклида 280таси ишламоқда. Мониторинг давомида 105та Давлат органлари расмий веб-сайтига "Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш" хизматининг ишларини текшириш учун муурожаатлар юборилган. Натижанда, электрон почта ёки қайта алоқа орқали 30та давлат органидан жавоб олинган.

Интернетдан фойдаланувчилар сонини 7,9 млн.нафарни ташкил этди. Жумладан, мобил алоқа операторлари интернет хизматларидан 4,327 млн. абонент фойдаланмоқда.

2011 йил май ойида ваколатли орган томонидан Электрон тижорат ва тўловларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритувчи "Hard

Ҳисобот даврида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан **1702,70 млрд.** сўмлик хизматлар кўрсатилди (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати -19,7 фоиз), шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш **1108,0 млрд.** сўмни ташкил этди (ўсиш суръати 21,0 фоиз).

Sign" МЧЖга Электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга ўтказиш маркази мақоми берилди.

Тизимдаги АК, ОАЖ, корхона ва ташкилотлар томонидан республикадаги турли малака ошириш марказларида жами 11932 нафар ходим малакасини оширган. Ижро интизоми бўйича ташкиллаштирилган ўқув семинарларда соҳанинг 351 нафар мутахассис ва ходимлари иштирок этди.

2011 йил 9 ойидаги жами 356та, жумладан 278та асосий иш ўрни ҳамда 78та касаначилик иш ўрни ташкил этилган.

Муҳокамаларда "Ўзбектелеком" АК бош директори М.Махмудов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, "Матбуот тарқатувчи" АК бош директори С.Нажбиддинов, "РРТМ" ДУК бош директори Ш.Абидходжаев, "Telmax Elektroniks" МЧЖ директори С.Фахрутдиновлар сўзга чиқишиб, тегишли йўналишларда амалга оширилган ишлар, муаммо ва камчиликлар тўғрисида гапирди. Шунингдек, Ҳайъатда рақамли телевидениени ривожлантириш, даврий нашрларга обуна уюштирилиши ва кадрлар захираси масалалари, кузги-қишқи мавсумга тайёргарликнинг бориши, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди ва бу муҳим масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисида кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

"Ўзбектелеком" АК ва ZTE компанияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандумига мувофиқ 2011 йил 30 август куни "Telecom Innovations" МЧЖ ҚҚ ("Навий" ЭИИХ), "Ўзбектелеком" АК ва ZTE компанияси билан DSLAM қурилмалари ва ADSL модемларни йиғиш линиялари ишга туширилди.

# Она тилим — онажон тилим

Тил — миллат бойлиги, эл хазинаси. Унинг нуфузини, обрўсини ошириб яшаш эса ҳар бир халқнинг ўзига боғлиқ. Бундан 22 йил аввал ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши истиқлолга эришиш йўлидаги илк қадам эди десак, хато бўлмайди. Мустақиллик йилларида эса ўзбек тилининг обрўси янада ошди.



Юқори минбарларда туриб ўқилаётган маърузаларда ўзбек тилининг оҳанги, жаранги ўз аксини топаётганлиги, йиғилишлар давлат тилида олиб борилаётгани, ҳар йили 21 октябр юртимизда она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кун сифатида катта шодиёна билан нишонланаётгани фикримиз далилидир. Бу йил ҳам шундай бўлди — катта тантана ва тadbирлар ҳар бир меҳнат жамоасида, ўқув масканида ажойиб тарзда ўтказилди. Ташкент алоқа коллежида бўлиб ўтган тadbир ҳам ана шуларнинг биридир.

Тadbирни очар экан, коллеж директори Убайдулла Парпиев ўзбек тилининг нуфузи, тилимизга бўлган эътибор ошиб бораётгани, ана шу эътибор туфайли алоқа соҳасига оид кўпгина китоблар ўзбек тилига таржима қилингани ҳақида гапирди, йиғилганларни бутунги қувончли байрам билан муборакбод этди, талабаларни она тилимизга ҳамisha хурмат билан муносабатда бўлишга чақирди.

Шундан сўнг сўз юртимизда алоқа соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрий алоқачи, мазкур коллежни узоқ йиллар бошқариб, кўплаб етук мутахассисларнинг тайёрланишига муносиб ҳисса қўшган Саидмахмуд Акбаровга берилди.

— Сизлар бахтли ва омадли инсонсизлар, — деди устоз алоқачи. — Бахтингиз шундаки, истиқлол йилларида туғилиб, вояга етяпсиз. Сизларнинг яхши ўқиб, малакали мутахассис бўлиб етишишингиз учун барча шароит яратилган. Биз кекса авлод вакиллари жуда оғир кунларни ўз бошимиздан кечирганмиз. Ҳатто шундай вақтлар ҳам бўлганки, ишга қабул қилиш ҳақида аризамни ўз она тилимда ёзганлигим учун қабул қилишмаган. Нуфузли йиғилишлар у ерда иштирок этаётган 10-15 нафар киши ҳурматига ўзга тилда олиб борилар эди. Минг шукурки, ўша таҳликали кунлар ортда қолди. Ҳозир барча ишлар она тилимизда юритилмоқда. Коллеж муаллимларига раҳмат, улар рус тилидаги дарсликларни ўзбек тилига ўғириб, сизларнинг пухта билим эгаллашингиз учун янада кўпроқ имконият яратиб бердилар. Сизнинг вазифангиз эса яхши мутахассис, маданиятли, одобли инсон бўлиб вояга етишдан иборат. Яна сизлардан шунга илтимос қилар эдимки, бутунги кунда дунё бўйича 30 миллиондан ортиқ одам севимулор

қот қилаётган ўзбек тилининг софлигини сақланг, унга бошқа чет сўзларни аралаштириб сўзламанг. Бу истиқлол деб жон фидо қилган ажлодлар олдидаги бурчингиздир.

"Она тилим — онажон тилим" мавзуида ўтказилган тadbирга ўқувчилар катта тайёргарлик кўрганликларини улар томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқ ва рақсларда, саҳна кўринишлари ҳамда ифодали ўқилган шеърларда намоён бўлди. Айниқса, русийзабон гуруҳларда ўқийтган ўқувчилар томонидан она тилимизда ўқилган шеърлар барчага манзур бўлди.

Тadbир давомида "Энг яхши деворий газета" ва "Энг яхши реферат" кўрик-танловлари

ҳам ўтказилди. Устозлар қатор қилиб илиб қўйилган деворий газеталарга баҳо бериб, голиб гуруҳни аниқладилар. Ҳар иккала танлов голиблари, шунингдек тadbирнинг тантанавор ўтишига чиройли рақс ҳамда ёқимли қўшиғи билан ҳисса қўшган талабалар коллеж раҳбариятининг фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

— Ҳозиргина ижро этилган ҳиндча рақсни талабаларимизга Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ўргатишиб, бутунги байрамга совға сифатида тақдим этишди, — дейди коллеж директори Уринбосари Полвон Раҳимов. — Бу ҳам чет эллик дўстларимизнинг ўзбек халқига, ўзбек тилига бўлган ҳурмат-эътибори ифодасидир.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## Келажак пойдевори

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида она тилимизнинг тақдири, қарийб бир асрлик қарамликдан сўнг ўзининг қонуний мақоми ва нуфузига эга бўлгани, унинг мустақил давлатимиз байроғи, герби ва мадҳияси қаторида турадиган муқаддас тимсоллардан бирига айлангани таъкидланган.

Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина давлатлардан фарқли ўлароқ, ўз миллий тилини расмий тил эмас, балки давлат тили мақоми билан, оддий тушунча эмас, балки чуқур мазмунга эга бўлган давлат рамзидек муқаддас ғоя тарзида майдонга олиб чиқди ва уни ҳар томонлама ижобий ҳал қилди. Тил халқнинг ўтмиши, ҳозир ва келажакнинг буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жиқликка айлантирувчи мустақам ҳаётий воситадир. Маънавияти бой халқнинг тили ҳам бой бўлади. Юксак тафаккурли шахснинг тилидан маърифат боли томади ва бундан атрофдагилар ҳам баҳра олади. Шахслараро муносабатларда қанчалик яхши сўзловчилар кўп бўлса, шу қадар билимли, маданиятли ёш авлод етишиб боравсради.

Ташкент ахборот технологиялари университети хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан касбий таълим факултетидида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 22 йил тўлишига бағишланиб "Ўзбек адабий тили ва келажак тараққиёти" мавзуида амалий анжуман ўтказилди. Талабалар ўзбек адабий тилининг ривожланиш даври, Давлат тили қабул қилинишининг мақсади ва қабул қилинган қонунларга оид билимларини намоён қилишди, шунингдек, 1-босқич талабалари томонидан ўзбек адабий тили тарихига оид тарихий асарлардан кичик театрлаштирилган саҳна чиқишлари кўрсатилди.

Анжуманга талабалар жуда катта қизиқиш ва масъулият билан ёндашган ҳолда ўзбек тилини асраб-авайлаш, қадрига етиш, тилини соф ва тоза сақлаш ҳамда унинг жаҳон тиллари қаторидан ўрин олишида ўзларининг катта ўрни борлигини яна бир бор ҳис қилишди. Тadbир якунида фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 4-моддаси.



Аслида ҳар қандай истиқлол тил озодлигидан бошланади. Ўз тилида давлатни идора қилиш, эркин мулоқот, куйлаш ва ижод қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳеч бир халқ истиқлолга эришдик, дея олмайди.

## Алладек суюксан...

Миллий истиқлолнинг биринчи шarti миллат тили — она тилимизнинг мустақиллигидир. Мамлакатимизда ҳар йили 21 октябр тил байрами сифатида кенг нишонланиши анъана бўлиб қолган. Чунки мамлакатимизда она тилимизни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш, унинг миллий руҳини ошириш, маданияти ва санъатни юксак поғоналарга кўтариш, шунингдек, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш соҳасида қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлашдек устувор вазифаларни бажариш том маънода кундалик ҳаётимизнинг дастуриламалига айланган.

Шу мақсадда жорий йилнинг 19 октябр куни А.Қодирий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Навоий тиббиёт коллежи, ахборот-ресурс маркази, Навоий радиотелевизион узатиш маркази ҳамкорлигида ўтказилган "Онам алласидаги суюксан тилим" мавзусидаги адабий тadbир ҳам тил байрамига бағишланди. Тadbирда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати ва ҳазрат Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишлаб Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан нашр этилган "Хазойин ул-маоний" асари тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Навоий тиббиёт коллежининг фаол китобхон ўқувчилари томонидан Навоий газалларидан намуналар ўқилди. Фаол китобхонлар томонидан ай-тилган ўзбек тилимизни шарафловчи шеърлар, тил ҳақидаги ҳикматли сўзлар, "Суйдирадиган ҳам тил, куйдирадиган ҳам тил" деб номланган саҳна кўриниши, ажойиб рақслар ва дилтортар қўшиқлар тadbир иштирокчиларига манзур бўлди.

Муҳаббат НОРҚУЛОВА,  
Навоий вилояти алоқа ходимлари  
бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси

З.ЮСУПОВА,  
ТАТУ хотин-қизлар кўмитаси раиси

## Xalqaro hayot

### ИШСИЗЛАР Сони ОШИШИ МУМКИН

Халқаро меҳнат ташкилоти экспертларининг маълумотларига кўра, келаси йили ривожланган давлатларда ишсизлик муммоси кучаяди.

Агар 2008 йилдан бошлаб ривожланган давлатлар молиявий инқироз туфайли 20 миллионга яқин иш ўринларини йўқотган бўлса, келгуси йилда ҳам шунча миқдордаги камайиш кутилмоқда. Бундай муаммолар кўпроқ Германия, Франция ва Европанинг яна бир қатор мамлакатларида юзага келиши эҳтимоли бор.

### СИЁСАТЧИЛАР НИҚОБИДАГИ ЎҒРИЛАР

Жинойтчилар АҚШнинг аввалги президенти Жорж Буш қиёфасидаги ниқоб остида Сизл шаҳридаги банкка ҳужум уюштиришди. Воқеа Washington Federal молия идораси бўлимларидан бирида содир бўлди.

Полициячилар берган маълумотга кўра, қуролланган икки ёш йигит банк биносига бостириб кириб, ҳодимдан пул талаб қилишган. Талаблари қондирилган, улар воқеа жойидан қочишга улгуришган.

Кейинги пайтларда АҚШда сиёсатчилар тасвирланган ниқоблардан фойдаланган ҳолда шу каби ўғриликларни содир этиш кенг тус олмақда. Яқинда Техас штатида Жорж Буш номи билан машҳур бўлишга улгурган жинойтчи Габриэл Кабелло қўлга олинган эди. У шу пайтгача АҚШ собиқ президенти ниқоби остида етти банкни ўмарган.

### КЕНИЯ ПОЙТАХТИДА ПОРТЛАШ

Кения пойтахти Найроби шаҳридаги тунги клублардан бирида портлаш содир бўлди, дея хабар берган маҳаллий "The Standard" газетаси.

Портлаш оқибатида 14 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, яна бир неча киши тан жароҳати олган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг хулосаларига кўра, хунрезлик ҳудуддаги "Ал-Шабаб" жангарилар гуруҳи томонидан амалга оширилган. Бунга ушбу тўданинг Кениядаги қароргоҳи йўқ қилингани сабаб бўлган.


### "Олимп-2000/213": КЎЗЛАР ЯНАДА РАВШАНЛАШАДИ

Ярославлик шифокорлар кўриш қобилиятини яхшиловчи ҳақонда тенги йўқ асбонни яратдилар. Бу ноёб иxtиронинг оғирлиги 6 килограммга тенг. Амалда фойдаланилаётган шундай қурилманинг оғирлиги 48 килограмм бўлиб, уни ишлатиш учун 5 к.ватт электр қуввати сарф этиларди. Янги иxtирони ишга тушириш учун эса 300 ватт электр энергияси kiffoя.

Энг муҳим жиҳати, жароҳлик амалиётлари беморлар учун анчагина снгли кечали. Эндиликда кўриш қобилиятини яхшилаш учун кўзнинг лат еган тўқималари булантириш орқали даволанади. Авваллари тўқималар куйдирилари.

"Олимп-2000/213" номини олган ушбу асбоб ҳозирда техник синовлардан ўтказилмоқда. Иxtирочиларнинг айтишича, ушбу ангилликни нафақат офталмология соҳасида, балки гинекология, томоқ, қулоқ, бурун касалликлари ва нейрожароҳлик, шунингдек, авиация ва электр соноатида ҳам қўллаш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



# Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси: Ҳамкорлик учун

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Авалло айтиш ўринлики, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 мартдаги "2011 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги кенг қўламли ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди. Кўзда тутилган мақсад экспорт-импорт тамойиллари ва механизмлари янада чуқурлаштириш, биржа ва ярмарка савдоларининг ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда саноат кооперацияси негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш ҳамда уларни ҳаётга таъбиқ этишдан иборат. Қарор билан тасдиқланган режа-жадвалга асосан, саноат ярмаркаларининг биринчи — худудий босқичи 4 апрелдан 30 апрелгача Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтган эди. Хусусан, жорий йилнинг 4-6 май кунлари машинасозлик, электротехника ва авиация соноати ҳамда стандартлаштириш тармоқлари бўйича, жумладан, "Ўзавтосаноат" АК, "Ўзэлтеханоат" уюшмасига қарашли корхоналар, шунингдек, "Тошкент трактор заводи", "Файз" ХК, "Чирчиқселмаш", "Агрегат заводи", "Технолог" ОАЖ ҳамда "В.П.Чкалов

номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди. 11-13 май кунларида "Ўзэксपोмарказ" миллий кўргазмалар мажмуаси павилонларига ташриф буюрганлар "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзавтойўл", "Ўзқурилишматериаллари" компаниялари, "Ўзмон-тажмахўскурилиш", "Ўзкоммунизмаг", "Тошшаҳартрансхизмаг" уюшмаларининг фаолиятлари ва маҳсулотлари билан танишиш имкониятига эга бўдилар. 18-20 май кунлари эса Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзпахтасаноат", "Ўзёғмойсаноат", "Ўзчармпойабзал", "Ўзгўштеусаноат" уюшмалари, "Ўзбексенгилсаноат" ДАК, "Ўзвиносаноатхолдинг" ХК, "Ўздонмаҳсулот" АК ўз маҳсулотлари тақдимотларини меҳмонлар эътиборига ҳавола этдилар.



Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси тармоқлар бўйича босқичининг сўнгги иш кунлари — июн ойининг бошида кўргазмалар залининг барча майдонларини иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари — "Ўзбекнефтегаз", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" тизимларидаги ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, "Олмалиқ кон-металлургия", "Ўзметкомбинат", "Навоий кон-металлургия", "Ўзбеккумир" каби акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилган турли маҳсулотлар билан танишдилар ҳамда уларнинг вакиллари билан ўзаро шартнома имзоладилар.

Навбатдаги V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг реал тармоқлари барча етакчи корхоналари, илгор технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган илм-фан муассасалари, олий ўқув юртлари қошидаги ташкилотлар иштирок этишмоқда. Марказ павилонларида жорий йилда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва жорий қилинишга тайёр яни миллий маҳсулотлар намойиш этиляпти. Улар кооперацион алоқаларни ривожлантириш асосида ўзлаштириш ва импорт маҳсулотлари ўрнини босиш дастурларини кенгайтиришга хизмат қиладди.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давомида қўллаб тармоқ вазирликлари, идора, корхоналар мутахассислари ўз маҳсулотларини ривожлантириш жараёни ва уларни кенгайтириш режалари билан иштирокчиларни таништирди. Жумладан, тадбирнинг дастлабки кунинда "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Навоий кон-металлургия комбинати", "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати", "Ўзметкомбинат" раҳбарлари, шунингдек, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари вакиллари маъруза қилдилар ҳамда ўз корхоналари тақдимотини ўтказдилар. Улар металлургия соноати Ўзбекистон иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётганини таъкидладилар.

"Ўзэксपोмарказ"га ташриф буюрганлар мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, ўтказилиши аниқлага илганиб қолган тадбирнинг ўтган йилгида дунёнинг 50дан ортиқ мамлакатидан келган компания ва фирмалар, юртимизнинг эса 700дан ортиқ корхоналари иштирок этган. Унда 10 миңдан кўпроқ тадбиркорлар, корхоналар раҳбарлари, олимлар, муҳандислар, конструкторлар ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида жонли мулоқотларда бўлишди. Музокарадар якунида эса машинасозлик, электротехника, авиация соноати, геология, кимё, нефть-кимё соноати каби иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ўртасида тайёр ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва эҳтиёт қисмлар, бутловчи материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан 217та шартнома имзолавишига эришилган. Масалан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиаконмпанияси 20та хориж компанияси билан 134,75 млн. АҚШ долларлик шартнома тузган. "Ўзавиатехтабъинот" корхонаси эса маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан 7,6 млрд. сўмлик келишув ҳужжатини имзолаган.



# қулай имкониятлар

рўй берган ўсиш суръатлари ва сифат ўзгаришларининг гувоҳи бўлдилар.

Иштирокчилар ва экспертларнинг таъкидлашича, анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур тадбир йилдан-йилга ҳар томонлама кенгайиб бормоқда. Унда иштирок этишни хоҳловчи ҳам маҳаллий, ҳам хорижий корхоналар сони тобора ортиб бораёти. Аҳамиятли томони шундаки, тадбир нафақат иқтисодийликда ҳал қилувчи тармоқлар ҳисобланган йirik компания ва корхоналар, балки чекка қишлоқларда фаолият олиб бораётган кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб берапти.

— Ушбу ярмаркада илк бор қатнашяпмиз, — дейди Намангандан ташриф буюрган "Tekstil libos" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Муҳиддинов. — Корхонамизда эркаклар костюм-шимлари, шимлар, палтоллар ишлаб чиқарилади. 2008 йилда "Ташаббус" кўриктанловида "Энг яхши ва ёш тадбиркор" номинацияси голиби бўлгандик. Бу эътироф бизни янада кўп ишлашга, изланишга ундади. Ҳатти йиллар давомида маҳсулотларимиз тури ва сифатини оширишга эришдик. Айниқса, ушбу Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан биз каби тадбиркорларга қаратилган алоҳида эътибор, яратиб берилган шарт-шароитлар натижасида фаолиятимизда янада ўсиш рўй берди. Технологиаларимизни янгилардик, бунинг натижасида кўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозирда маҳсулотларимиз ички бозорларимиздан ташқари, Россияга ҳам экспорт қилинади.

Мамлакатимизда спорт ва соғломлаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиши барчага маълум. Бу борадаги ишларни кўнгилдагидек олиб бориш эса махсус спорт мажмуаларининг, мактаб ва бошқа таълим муассасаларининг спорт инвентарлари билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ, албатта. Шу боис спорт учун керакли маҳсулотларни ўзимизда, маҳаллий хом ашё негизида сифатли ва арзон тарзда тайёрлаш борасида тадбиркорларимизга керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Ушбу имкониятдан тўғри фойдаланган Андижондаги "Қалб меъмори нури" хусусий корхонаси 1999 йилдан буён спорт буюмлари тайёрлаб келмоқда.

— Ҳатти йили ярмаркада ҳам ўз маҳсулотларимиз билан иштирок этган эдик, — дейди "Қалб меъмори нури" хусусий корхонаси раҳбари ўринбосари Абдували Холматов. — Ушанда турли корхона ва муассасалар билан олгига шартнома имзолагандик, кўшимча буюртмалар олгандик. Бир йил давомида маҳсулотларимиз тури ва сифатини янада ошириб, мана яна ташриф буюрдик. Бу йил ҳам маҳсулотларимизга қизиқиш катта. Дастлабки икки куннинг ўзида 15 миллион сўмлик тўртта шартнома имзоланишга эришдик. Ярмарка биз сингари тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришга катта ёрдам берапти.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бир юмуш бўлса, уни тўғридан-тўғри, ҳеч бир тўсиқларсиз харидор қўлига етказиб бериш иккинчи муҳим иш ишдир. Буни тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар жуда яхши билишади. Мамлакатимизда экспортбон маҳсу-

лотлар ишлаб чиқариш кенгаётган экан, уларни экспорт қилишга кўмаклашадиган фирмаларни ташкил этиш ҳам гоёт муҳимдир. Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси натижасида ташкил этилган "Ўзтадбиркорэкспорт" иxtисослаштирилган ташқи савдо компанияси айнан юқоридаги вазифани бажаради.

— Компаниямиз олдида мамлакатимизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти қўламлигини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирокини яратиб бериш мақсади қўйилган, — дейди "Ўзтадбиркорэкспорт"нинг маркетинг бўлими бошлиғи Баҳодир Раҳматуллаев. — Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, республикаимизда турли экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи субъектлар, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошиб бораёти. Лекин ҳамма тадбиркор ёки фермер ҳам маҳсулотини харидорга етказиб бериш кўникмасига эга эмас. Бу борада биз уларга ёрдам берамиз. Айни дамда барча вилоятларда филиалларимиз фаолият бошлаган. Келгусида уларга мустақил ишлаш имкониятини берамиз. Компаниямиз Президентимиз қарори асосида жуда вақтида ташкил этилганига бугунги ярмаркада амин бўлдик. Сабаби, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий компания-

лардан жуда кўп мурожаатлар бўляпти. Корейдан, Россиядан, Исроил ва Украинадан келган фирмалар қурилган меваларимизни сотиб олиш учун биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиришди.

"TELMAX-ELEKTRONIKS" МЧЖ бу сафар Set-top-box тизимлари, ADSL модемлари билан бирга, янги ишланмалар — икки турдаги 42U ва 24U телекоммуникация шкафлари ва EL-SVR-FX4 (IAD), VoIP-GW-4E1 шлюз ускуналарини тақдим этган.

— Телекоммуникация шкафларимиз провайдерлар учун ишлаб чиқарилган, — дейди "TELMAX-ELEKTRONIKS" МЧЖ катта муҳандиси Аббос Носирхонов. — Шкафлар 19 дом стандартида тайёрланган бўлиб, совутиш тизимига эга ва тўрт томонга ҳам очилади. Бу шкафларга телекоммуникация қурилмаларини жуда қулай жойлаштириш мумкин. VoIP-GW-4E1 шлюз ускунаси эса DSLAM қурилмаларисиз абонентларга ҳам телефон, ҳам интернет хизматларини кўрсатиш имконини беради.

Ярмарка ушбу жамият учун ҳам самарали ўтмоқда. Муҳандис Жавҳар Собировнинг таъкидлашича, тадбир давомида "Ўзбектелеком" АК билан "TELMAX-ELEKTRONIKS" МЧЖ ўртасида 8 мингта, "Ўзбектелеком" АК билан Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ўртасида 17 мингта тўнёр тайёрлаб бериш учун шартнома тузилган.

— Саноат ярмаркаси бизнинг компаниямиз учун ҳам муваффақиятли ўтди, — дейди "ЎзМобайл" филиалининг бизнесни ривожлантириш бўлими муҳандиси Шерзод Шораҳмедов. — Иштирокчилар стационар телефонларимизга катта қизиқиш билдиришмоқда. Сабаби, бу телефонларимиз нархи арзон ва хизмат кўрсатиш ва алоқа сифати юқори даражада. Телефонларимиз орқали интернетга уланиш, радио тинглаш, смс хабарлар жўнатиш мумкин. Ҳозиргача ушбу телефонларимизни сотиб олишни истаган турли корхоналар билан 200дан ортиқ шартнома ва келишувлар имзоландик.

Хуллас, мамлакатимизнинг мингдан зиёд компания ва корхоналари, хорижий фирма ва компанияларнинг саккиз юз нафардан ортиқ вакиллари иштирок этаётган бу йилги V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси барча иштирокчилар учун жуда самарали ўтмоқда. Тадбир давомида олиб борилган барча тақдимот ва ўзаро мулоқотлар, режа-лойиҳалар келгусида маҳаллий ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш учун мустақкам замин бўлиши, шубҳасиз.

Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ,  
"Хабар"нинг махсус мухбири

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотлар ҳам ўз хизмат ва маҳсулотларини намойиш этишмоқда. Хусусан, "UNICON.UZ" ДУК ўз ишланмалари: E-HUZAT — электрон хужжат айланиши, E-XAT — ҳимояланган электрон почта, NIMEAYL ва E-KALIT тизимларини намойиш қилаётган бўлса, Тошкент ахборот технологиялари университети олийгоҳ профессор-ўқитувчилари ва изланувчилари томонидан яратилган "Мультимедиа технологиялари" ва "Компютер тизимлари ва тармоқлари" фанлари бўйича мультимедиа ўқув дарслиги, Виртуал таълим тизими, Электрон университет, Ўқув жараёнини бошқаришнинг ахборот тизими, Ўқув жараёнини тизимсиз режа-лаштириш, Турли чуқурликлардан сув чиқариш учун қуёш энергияси қурилмаси ва шу каби бошқа интеллектуал лойиҳалари билан иштирок этмоқда. ТАТУнинг илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Адҳам Умаровнинг айтишича, мультимедиа ўқув дарслиги матн, тасвир, анимация, видео ва тўғрив маълумотлари асосида яратилган. Олий таълим, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олувчи талабаларни ўқитиш жараёнида дарслик янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб бориш ва ўзлаштириш даражасини оширади.

## ЗАСЕДАНИЕ

### ОБЪЕДИНЕННОГО НАУЧНОГО СЕМИНАРА

26 октября в ГУП "UNICON.UZ" состоялось заседание Объединенного научного семинара.

На повестку дня было вынесено два доклада:

● Об особенностях применения имплицитивной формы условной вероятности — докладчик Д.Абдуллаев, академик, ведущий научный сотрудник ГУП "UNICON.UZ";

● Отчет по диссертационной работе на соискание ученой степени кандидата технических наук на тему: "Разработка особого криптографического модуля электронной цифровой подписи в алгебре с параметром" — докладчик О.Расулов, начальник Научно-исследовательского отдела средств защиты информации ГУП "UNICON.UZ".

Доклад Д. Абдуллаева основан на его исследовании условной вероятности, применение которой — обеспечивает возможность контролировать процесс передачи данных по сети. При помощи данного исследования имеется возможность проследить качество работы аппаратуры или канала связи.

В докладе подробно описывалась математическая модель, которая определяет пороги допустимой погрешности, с целью определения уровня самой погрешности. Такое определение

необходимо т.к. если оно превышает определенный показатель, значит, существует неполадка в цепи передачи данных от оператора к абоненту, устраняя которую, увеличится качество предоставляемых услуг.

С математической точки зрения модель реализации подсчетов этой погрешности, позволила наиболее точно ее определить, ранее погрешность не могла быть просчитана на основе других, уже существующих, моделей.

Материалы о данной работе опубликованы в журнале "Электросвязь".

О. Расулов в рамках своего доклада рассказал об особенностях шифрования и применения Электронно-цифровой подписи (ЭЦП). В частности, об особенностях двух видов криптосистем: симметричной и асимметричной, которые применяются в шифровании и генерации ключа ЭЦП.

Таким образом, учитывая особенности создания ключа ЭЦП, он является наиболее оптимальной защитой электронной документации. Однако, если хранить его неподобающим образом может произойти подме-

на ключа или несанкционированное его копирование. Именно поэтому появляется необходимость защищенного хранения файлов ЭЦП.

На данный момент, существует три вида устройств для хранения: E-Token, HASP и ПСКЗИ, каждое из устройств обеспечивает сохранность ключа и гарантирует его защиту.

Необходимо отметить, что на данный момент, при ГУП "UNICON.UZ" производится устройство защищенного хранения ключа E-Kalit, работающего по принципу E-Token. Устройство не определяется операционной системой, и без определенных программ невозможно им воспользоваться.

Если ранее ЭЦП была привязана к компьютеру человека, то теперь существует тенденция привязки ключа к обладателю и при помощи данного устройства, напоминающего флеш карту все необходимые процедуры распознавания, хэширования и подписи ключа происходят внутри носителя.

В рамках обсуждения докладов были заданы вопросы и даны комментарии. Докладчики поблагодарили членов Объединенного научного семинара.

Unicon.uz

## Коротко...

✦ Несмотря на то, что Стив Джобс ушел из жизни, корпорация Apple еще долго будет пользоваться наработками своего создателя. Эксперты утверждают, что корпорация ведет работу над созданием революционного телевизора, который будет отличаться самым простым управлением. По слухам прототип устройства уже готов, а конечный продукт пользователи увидят в 2012 или 2013 году.

✦ На мероприятии Nokia World в Лондоне финская компания Nokia анонсировала свои новые смартфоны на базе Windows Phone 7.5 Mango: Nokia Lumia 800 и Nokia 710.

Lumia 800 и Lumia 710 выйдут в продажу в ноябре. Ориентировочная цена Lumia 710 - 270 евро, Lumia 800 - 420 евро.

✦ Киевский метрополитен готовится к внедрению беспроводной сети Wi-Fi, которая обеспечит доступ в интернет для жителей и гостей столицы Украины. Глава Киевской городской администрации, Александр Попов, уже распорядился о начале проведения конкурса для привлечения инвестиций.

✦ Впервые за 100-летнюю историю компании, ее главой становится женщина. Вирджиния Рометти проработала в IBM 30 лет и занималась в основном продажами и маркетингом. С 1 января 2012 года она займет пост CEO компании, сменив на этом посту Сэма Палмизано, который возглавлял IBM с 2002 года. Палмизано, в свою очередь, останется председателем совета директоров.

## Эълон

# "АУКЦИОН" САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти Аукцион комиссияси иштирокида ўтказиладиган "АУКЦИОН" савдоларига таклиф этади

"АУКЦИОН" савдолари Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

I. Фарбий Ўзбекистон Гидрогеология экспедицияси Давлат корхонаси билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр кuni соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги 1985 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-133 ГЯ русумли давлат рақами 20 АН 001 бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 8 403 127 (Саккиз миллион тўрт юз уч миң бир юз йигирма етти) сўм.**

II. "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сугурта компанияси Бухоро вилояти филиали билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр кuni соат 11-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, Тико русумли давлат рақами 20 АГ 491 бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 900 000 (Тўққиз юз миң) сўм.**

III. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Телекоммуникация Транспорт Тармоғи филиалининг бешинчи боғламаси билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр кuni соат 12-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, ГБА СНГ ВА3-21013 русумли давлат рақами 80/341 НАА бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 400 000 (Тўрт юз миң) сўм.**

IV. "Бухорошаҳарнур" ишлаб чиқариш корхонаси тутатий комиссияси билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр кuni соат 12-00да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, ГАЗ-31029

русумли давлат рақами 20 АГ 805 бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 470 000 (Тўрт юз етти миң) сўм.**

V. "Бухороагромапшсервистаъминот" ишлаб чиқариш ширкати билан ҳамкорликда 2011 йил 29 ноябр кuni соат 12-00 да ташкил қилинадиган "Аукцион" савдоларига корхона ҳисобидаги 1980 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз, КАМАЗ-5511 русумли давлат рақами 20 АФ 395 бўлган автотранспорт воситаси чиқарилади.

**Бошланғич баҳоси 2 560 000 (Икки миллион беш юз олти миң миң) сўм.**

VI. Вобкент тумани "Зарафшон" ширкат ҳўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси билан ҳамкорликда 2011 йил 01 ноябр кuni соат 14-00 да ташкил қилинадиган такрорий "Аукцион" савдоларига Вобкент тумани "Зарафшон" ширкат ҳўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситалари чиқарилишини маълум қиламиз. Булар:

● 1994 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз ГАЗ-3307 русумли давлат рақами 20 АА 617 бўлган автотранспорт воситаси

**Бошланғич баҳоси 1 900 000 (Бир миллион тўққиз юз миң) сўм.**

● 1981 йилда ишлаб чиқарилган техник ҳолати носоз ГАЗ-5204 русумли давлат рақами 20 АГ 887 бўлган автотранспорт воситаси

**Бошланғич баҳоси 1 570 000 (Бир миллион беш юз етти миң) сўм.**

Мулк учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

"АУКЦИОН" савдоларига иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖга қўйидаги ҳўжатларни тақдим этишлари шарт:

● Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

● Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

● "Аукцион ташкилотчиси"нинг реkvизитлари: СТИР: 301480431, МФО: 00120 ДАТ "Асака банки" Бухоро шаҳар филиалидаги 20208000504828225001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳўжатининг асл нусхаси;

● Харидорнинг ҳўқуқий ҳўжжати: Жисмоний шахслар учун: - фуқаролик паспортининг нусхаси;

Юридик шахслар учун: - давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳўжат ва Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

● Савдода талабгорнинг вакили иштирок этса белгиланган тартибдаги ишончноманинг асл нусхаси.


Закалат пуллари кiritилиши "АУКЦИОН" савдолари бошланишидан бир соат олдин, Буюртманомаларни қабул қилиш "АУКЦИОН" савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш ҳамда Сизни қизиқтирган барча савдолар буйича қўйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: "Аукцион ташкилотчиси", — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Хизматлар лицензияланган.

# Хабарлар +tv



5.55 Курсагулар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"  
7.00 "Иқлим".  
7.10 "Одам ва одам" дастури: "Табият куйлари".  
7.25 "Сунити қиролнича". Т/с.  
8.00 "Тахлинома".  
8.45 - 9.40 "Миньявигат" дастури.  
9.40 "Тикси дуст". М/ф.  
10.00 "Иқлим".  
10.05 ТелеТентр: "Оқибат". 1-қисм.  
10.45 "Саломатлик сирлари".  
11.00 "Абзор".  
11.15 Комиссар Рокс". Т/с.  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Кўнлик кўшиқ истаиди".  
12.55 "Ватанларимиз".  
Вақти-вақти билан ўтказиб келинаётган соҳа ходимлари ўртасидаги виллоят ва республика босқичлари беллашувлари ва баҳсларида айнан шу жиҳат кўзга яққол ташланиб турибди. Масалан, жорий йилнинг август ойида бўлиб ўтган "Почта хавфсизлиги бўлинмасининг энг яхши техниги" республика кўрик-танловида фахрли 1-ўрин Янгибозор почта алоқаси тармоғига бириктирилган Мурод Жумаева насиб этгани, шунингдек, 9 октябрь — Бутунжаҳон почта кўни муносабати билан "Энг яхши муҳандис-технолог" кўрик-танловининг республика босқичи якунига кўра Бухоро филиали Шофиркон почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Комил Баракаева олий ўрин берилганлиги фикримиз исботидир.

— Почта алоқаси хизматларини яхшилаш борасида жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб туб ижобий ўзгаришлар аниқ кўзга ташланиб қолди, — дейди биз билан суҳбатда филиал директори Асрор Олтиев. — Бунинг муҳим омилларидан бири эса соҳа ходимлари ўртасида "Почта қоидалари" ҳамда "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари" дастурий қўлланмаларини ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларни ўқиб-ўрганишга бағишланган семинар машғулотларининг мунтазам равишда ўтказиб келинаётганлигидир. Айтмоқчиманки, ходимларимизнинг назарий ва амалий жиҳатдан пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиб бораётганликлари, ўзига ва бошқаларга талабчанлик ҳиссининг кучайтирилганлиги, меҳнат жамоаларида соғлом муҳитнинг қарор топганлиги кундалик ишда қўтилган натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Ҳеч шубҳасиз, филиал ходимларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам маъмурият ва касба уюшмасининг доимий эътиборида. Виллоятнинг Когон туманидаги Қизилгул қишлоғи ҳудудидан филиал ишчи-хизматчилари учун мева ва सबзавот маҳсулотлари етиштириш мақсадида 5 гектардан иборат экин майдони ажратилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу ерда иш қизғин. Жорий йилнинг ўтган даври ичида картошка ва ошқовоқдан юқори ҳосил йиғиштириб олинганлигини, ҳадемай шолғом ва сабзи ҳам пишиб стилишини, орадан 2-3 йил ўтиб эса мевали дарахтлар ҳосилга киришини эътиборга оладиган бўлсак, бу борада ҳам қўтилган натижаларга эришилаётганлиги, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишчи-хизматчиларга арзон нархларда сотилаётганлиги ишонч ҳосил қиламиз.

**А.ИСТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Бухоро виллоятдаги мухбири

## ТАРАҚҚИЁТДА ЎРНИМИЗ БОР

Кейинги 20 йил мобайнида алоқа соҳаси анча ривожланди. Агар таъбир жоиз бўлса, унинг юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Бугун неки тезкор бажарилган иш борки, бунда алоқа корхоналари хизмати катта дейишга ҳақимиз. Дарҳақиқат, соҳани замонавийлаштириш жараёни ўзини амалда кўрсатмоқда.

Кўвонарлиси, шундай тараққиётда биз автотранспортчиларнинг ҳам муносиб ўрнимиз бор. Жамоамиз аъзолари энг сўнгги алоқа воситалари жиҳозларини узоқ манзиллардан ўз вақтида ташиб келтиришмоқда. Бу ишга энг тажрибали ҳайдовчиларни жалб қилганмиз.

Далилларга таяниб айтадиган бўлсак, истиқлол йилларида виллоятимиз бўйича 500 километрдан кўпроқ масофага оптик толали кабел тортилди. Хитой мамлакатидан келтирилган бу жиҳозни фақат жамоамиз аъзолари кўзланган манзилга етказишди. Виллоятда электрон рақамли телефон станциялари ўрнатиш билан боғлиқ ишлар давом этмоқда. Жараёнда ҳайдовчиларимиз фаол қатнашишмоқда.

Жамоамизда меҳнатсевар транспортчилар ўз вақтида рағбатлантирилиб бориляпти. Бу эса ҳамкасбларни янада ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашга илҳомлантирмоқда. Айни пайтда фахрийларни меҳнат пенсиясига кузатиш талдирлари ҳам эсда қоларли даражада йўлга қўйилганлиги. Шунинг ҳам айтиш лозимки, кейинги пайтда транспорт бўлими маъмурий биноси ҳамда автогараж таъмирдан чиқарилиб, замонавийлаштирилди.

**Рустам ЭРОНОВ,**  
"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиалининг транспорт бўлими бошлиғи

## БИЗНИНГ ЗУЛФИЯ ОПА

Мана ўттиз уч йилдирки, Зулфияхон Нарзуллаева почта соҳасида муҳирлик билан иш юритиб келмоқда. Тошкент алоқа техникумини муваффақиятли тугатиб, Навоий виллояти Хатирчи тумани алоқа тармоғига назоратчи бўлиб ишга келганида ёшгина қизча эди. Орадан ойлар, йиллар ўтиб, ўз ишининг муҳир устасига айланди. Бугунги кунда қўллаб ёшларга иш ўргатиб, уларга ўз малакаларини оширишга кўмаклашиб, устозлик қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ўзи бош бўлган Хатирчи тумани алоқа тармоғи виллоятда яхши кўрсаткичларга эришиб, совриндор ўринларга сазовор бўлмоқда.

55 ёшни қаршилаган, эл олқишига сазовор бўлган Зулфияхон Нарзуллаева "Моҳир алоқачи" фахрий унвони соҳиб ҳамдир.

Опанинг шогирдлари талайгина. Ширинбой Ҳусанов, Комилахон Норова, Раҳмон Раимов, Санатохон Барноева, Рисолатхон Омонова, Матлубахон Омонова, Акрамжон Собиров ва шулар қаторида камина ҳам устозимиз билан фахрланамиз.

Раҳбаримиз ўта талабчан, ўз ишининг устаси. Шу боис, режалар доимо ортиғи билан бажарилиб, туман аҳолиси орасида хурматга сазовор бўлиниб келинмоқда. Газета ва журналлар, пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида эгаларига етказилишида устозимиз доимо бош-қош. Асло кам бўлманг, янада дадил одимлар билан олға интилавиринг Зулфияхон опа, деймиз.

**Имомназар ҲУСАНОВ,**  
Мурдош алоқа бўлими бошлиғи

# ЭЗГУ ФИКР, СЎЗ, АМАЛ

"Ўзбекистон почтаси"  
ОАЖ ва "Ўзбектелеком"  
АК Фаргона  
филиалларида  
Ўзбекистон  
Республикаси  
мустақиллигининг 20  
йиллигига бағишланган  
"Буюк ва муқаддасан,  
мустақил Ватан!"  
мавзусидаги маънавий-  
маърифий дастур  
бўйича қатор ишлар  
амалга оширилди.

**Ф**ан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари билан бўлган учрашувлар дилларда ғоят ёқимли тасвурлар қолдирди. Ушбу юзма-юз самимий руҳда кечган мулоқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида"ги 451-қарори ижроси юзасидан йўлга қўйилган тadbирларнинг тадрижий давоми сифатида унутилмас воқеаларга бой бўлди.

Алоқачилар орасида юртимизда ва соҳадаги ўзгариш ва янгиликларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётган, бор иқтидори ва салоҳиятини, тафаккурини ишга солаётганлар ниҳоятда кўп. Улар учрашувлардан мамлакатимизда ислохотларнинг бориши, самаралари, аҳоли турмуш сифатининг ошиши каби ўзлари учун зарур бўлган барча маълумотларни олишгандан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

— Мен Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира М.Усмонова ҳамда Тошкент кимё технологиялари институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори Ш.Ўлжаевлар билан бўлган учрашувдан бир олам баҳра олдим, — деди Фаргона шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Салимахон Тиллабоева. — Шоиранинг она замин, ота-она, юртга муҳаббат ва садоқат руҳидаги шеърлари инсон ҳаётини қанчалар зийнатларга буркашини юрак-юракдан ҳис этган бўлсам, олиманинг маърузасидан эса мустақиллигимиздек олий неъматни қанчалар асраб-авайламоғимиз кераклигини чуқур англаб етдим. Бундай сермазмун учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, айни муддао бўларди...

Дарҳақиқат, инсон борки, маънавий қамолот сари интилади. Буюк аждодларимиздан қолган маънавий меросни ўрганиб, теран тушунган ҳолда умр йўлларини белгилаб олишга ҳаракат қилади.

— Ўзбекистонимизни жондан азиз кўрамиз ва у билан чексиз фахрланамиз, — деди "Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали кадрлар бўлими катта нозир Гулнозаҳон Жўраева. — Лекин бу туйғулар энг олий туйғу эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Ватан — Ватанда, унга меҳр қўйиб улғаямиз, ҳар қаричи кўнра тўтиб деб эъзозлаймиз. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига "Кўзимизни, қалбимизни яшнатган туйғу" ҳақида ўқиб қанчалар ҳайратланган бўлсам, вилоят ёзувчилар уюшмаси маъсул котиби, шоира Энаҳон Сиддиқова билан бўлган учрашувдан ҳам шунчалар таъсирландим. Кўнгилда Она дийрга бўлган алоқсиз муҳаббатни оппоқ қоғозларда мавжлантириб, дилларгаги бу меҳрни янада юксалтириш нақадар соз-а!

Чиндан ҳам бу жонли мулоқот алоқачилар қалбида акс-садо берди. Сабаби талайгина. Энаҳон Сиддиқова ҳамда шеъринг дунёсига энди кириб келаётган навқирон авлод вакиллари — Дил-

**Имом Бухорий,  
Имом Термизий, Мо-  
туридий, Хоразмий,  
Аҳмад Фарғоний,  
Баҳоуддин Нақшбанд,  
Беруний, Марғиноний,  
Ибн Сино, Алишер  
Навоий каби буюк  
алломалар ва мута-  
факкирлар тугилиб,  
дунё тамаддунида  
ўчмас из қолдиргани  
ҳам заманимизнинг  
нақадар қутлуг эканли-  
гидан далолатдир.**



шодахон Ҳалимжонова ва Шарофатхон Исмоиловлар Ватан туйғусини инжа сатрларда қуйлабгина қолмасдан амалда ҳам чиройли тарзда исботлаганлари диққатга сазовордир. Шоира оламиз ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси учун нуфузли муқофот — "Шухрат" медалини олишга муяссар бўлган. Дилшодахон ва Шарофатхонлар эса ёшлар ўртасида вилоятда ва республикада ўтказилган танловларда гойибликка сазовор бўлдилар. Эътироф этиш жоизки, улар замонавий технологиялар, телекоммуникация ва почта алоқаси соҳасидаги барча янгиликлардан хабардор. Алоқачилар меҳнати тўғрисида тўла тасаввурга эгалликлар билан ҳам йиғилганларни ҳайрон қолдирдилар. Соҳанинг етук раҳбар-мутахассислари шайнига айтилган илқ дил сўзлари кўнгилларни тоғдек кўтариб юборди.

Ҳа, маънавий-маърифий тadbирларда ҳар бир миллат нафақат ўз бойликларини, иқтисодиётда эришган ютуқларини, балки маънавиятини ва маданиятини билан кучлидир, деган оддий ҳақиқат қайта-қайта тилга олинди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Беруний, Марғиноний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломалар ва мутафаккирлар тугилиб, дунё тамаддунида ўчмас из қолдиргани ҳам за-

минимизнинг нақадар қутлуг эканлигидан далолатдир. Бутун мусулмон уммати фахрланадиган маънавий мерос ҳам шу азиз муқаддас юртимизда яратилган. Фаргона шаҳар имом хатиби Абдували Ҳожи Ҳафизовнинг маърузаларида ҳам шу — Ватанга, эл-юртга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш мавзуси устуворлик касб этди. Имом хатиб ва унинг шогирдлари таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти АЙ-СЕСКО томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши, ўзбек халқи буюк аждодларининг жаҳон тамаддунига ва маънавияти, маданиятига нечоғли улкан ҳисса қўшганининг ёрқин эътирофи бўлганлигидан, муқаддас обидаларимиз, қадриятларимиз қайта тиклангани ва янада бойитилганлигидан сўзладилар.

Шуниси қувонарлики, тadbирларда маънавий ҳаётимиз асослари бўлган

ҳаромдан ҳазар, инсоф ва диёнат, меҳроқибат фазилатларининг аҳамияти ҳақида сўз борганда Баҳоуддин Нақшбанднинг, дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин, деган ҳаётбахш ҳикмати кўп бора такрорланди.

ТАТУ Фаргона филиали доцентлари, фалсафа фанлари номзодлари Насмат Усмонов ҳамда Набижон Солиевларнинг мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган суҳбат ва маърузалари ҳам ана шу мавзунинг рангбаранглигини таъминлади. Олимларимиз юртимизда тарих учун қисқа фурсат — 20 йил давомида эришилган ютуқларни залворли далиллар билан ифодалаб берар эканлар илм талаб қилиш бешиқдан то қабргача эканлигига алоҳида тўхталдилар.

Олимларимиз Ватанимизнинг муқаддас тимсоллари — ўзбек тили, байроғи, герби, мадҳияси ҳақида жўшиб сўзлаганларида, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал деган Авесто таълимидан мисол келтиришганда уларга бўлган хурмат-эҳтиромимиз янада ошди.

Ўтказиб келинган маънавий-маърифий тadbирлар тафаккурга куч, руҳиятга қувват, маънавиятга ҳаётини озуқа бермоқда. Зеро, юксак маънавият билан, яхшилик билан инсон озод ва улугвордир.

**Ҳафиза САЛҲОВА,  
"Xabar"нинг  
Фаргона вилоятидаги мухбири**



"Билайн" ("Юнител" МЧЖ)нинг Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятларига хизмат кўрсатувчи шарқий ҳудудий филиалининг беш йиллик фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди. Филиал очилган пайтдан бошлаб унинг абонент базаси қарийб ўн баравар ўсди.

## "БИЛАЙН" ШАРҚИЙ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛИ — 5 ЁШДА

"Шарқий ҳудудий филиал умумий аҳолиси 8 миллион кишидан ортиқ бўлган учта йирик вилоятларни бирлаштиради. Беш йил давомида биз асосий станциялар сонини етти баравар ошириб, аъло даражадаги тармоқни қурдик ва бир нечта коммутаторни ишга туширдик. Ҳамкорларимиз ёрдамида биз мингдан ортиқ савдо шохобчаларини ташкил қилдик, уларда абонентларимиз "Билайн" тармоғига уланишлари ёки хизматлар учун тўловларни амалга оширишлари мумкин. Ушбу иш аъло даражадаги натижаларни берди: бугунги кунда биз Фаргона водийсида етакчи позицияларни маҳкам эгаллаб турибмиз". — деди "Юнител"нинг ҳудудий ривожлантириш бўйича директори Сергей Закураев.

— Ушбу давр мобайнида биз ажойиб жамоани йиғиш имконига эга бўлдик. Улар ёрдамида юқори кўрсаткичларга эришдик, — қайд қилди шарқий ҳудудий филиал директори Санжарбек Иминов. — Бугунги кунда филиалимиз Ўзбекистондаги энг асосий бизнес юриткичларидан бири ҳисобланади ва бу ҳар биримиз учун нафақат шараф, балки жиддий масъулият ҳамдир. Ишонманки, янги таклифларнинг ишга туширилиши ва 3G тармоқларининг кенгайтирилиши ҳамда модернизацияси бизга келажақда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

## Байрамлар тадбирларга уланмоқда

Ахборот-кутубхона марказларига китобхонларни кўпроқ жалб этишнинг энг қулай ва самарали усулларидан бири оммавий тадбирлардир. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказини йил давомида ўтказилаётган турли-туман тадбир ва анжуманлар, учрашув, давра суҳбатлари орқали пайдо бўлган тажриба алмашиш маркази десак, муболага бўлмайди.

Масалан, биргина октябр ойини оладиган бўлсак, 18 октябрда Самарқанд кунига бағишланиб "Ҳамиша навқирон шаҳрим — Самарқанд" шиори остида СамДУ қошидаги 1-2-сонли академик лицейлар ўртасида брен-ринг ўйини, 21 октябр — тил байрамида 8-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида "Тилимиз — фахримиз" номли адабий кеча, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ташкил этилганига 42 йил тўлиши муносабати билан "Юртимиз посбонлари" мавзусида конференция ва бир қанча тақдиротлар ўтказилди. Самарқанд вилоят АКМ барча АРМлар учун илмий-услубий марказ ҳисобланади. Бу ерда вилоятдаги ахборот-кутубхоналар ходимлари малакасини ошириш мақсадида ҳам тадбирлар олиб борилмоқда. Шунга мисол қилиб, республикада бўлиб ўтган "Ахборот-коммуникация технологияларининг миллий 9-САММИТИ" мавзусида 7 октябр кун тақдирот, 10 октябр кун АҚШнинг Портленд университети кутубхонаси илмий мутахассиси Клаудия Уэстон иштирокида АКМнинг хорижий адабиётлар секторидида "Электрон каталоглар" мавзусида семинар, 13 октябрда Германиянинг Кёлин шаҳар кутубхонаси директори доктор Ханелоре Фогт иштирокида "Кутубхоначилик менежменти", "Китобхонларни янгича усуллар билан жалб этиш методикаси" мавзусида бир кунлик маҳорат машғулотларини мисол келтирса бўлади.

Ҳозирда эса Ёте институти ҳамкорлигида АКМнинг немис ўқув залида ижодкор Цвета Софрониева билан адабий кеча тадбири устида амалий-услубий ишлар олиб борилмоқда.

Махбуба КУЛОВА,  
АКМ илмий-услубий бўлими мудири

## OBUNA-2012

### Обуначилар кўпаймоқда

Ҳар йилгидек бу йил ҳам вилоятимизда 2012 йил учун матбуот нашрларига обуна уюшқоқлик билан бошланди. Оммавий ахборот воситаларида, почта алоқаси тармоқларида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган.

"Ўзбекистон почтаси" Фарғона филиали Сўх тумани Равон почта алоқаси тармоғида ҳамда тармоқ таркибидаги олпига шохобчада бу йилга алоҳида эътибор берилмоқда. Туман ҳокимлиги, "Садои Сўх", "Сўх" маҳаллий телевидениеси билан ҳамкорликда тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги сабаб, обуна бўлими доимо мижозлар билан тавжум.

Обуначилар учун керакли шарт-шароитлар яратилган, яъни пластик карточалар орқали ҳам обуна қабул қилинмоқда. Туман аҳолиси ўзлари ёқтирган матбуот нашрларига обуна бўлишга шояшмоқдалар. Матбуот нашрлари каталоги корхона, ташкилот, мактабга таълим муассасаларига тарқатилган.

— Обуначиларимизнинг руҳияти, кайфияти яхши, — дейди обуна қабул қилиш бўлими ходими Абдурахмон Юсупов. — Орамизда маърифат-маънавиятга ташна инсонлар кўпайиб бораётганидан хурсандмиз. Севимли газетамиз "Xabar" ўқувчилари сони ҳам кўпаймоқда. Ҳар йилгидек, почта алоқаси тармоғи жамоаси ўз сеvimли газеталарига тўлиқ ёзилишга қарор қилишган.

А.АНБАРЖОНОВ  
Фарғона вилояти

# Гиёҳвандлик профилактикаси

## Катта ёшдагилар билан ишлаш: шакл ва воситалар

Инсон туғилгандан бошлаб ниманидир ўрганади. Халқимизда "Бешиқдан то қабргача илм изла" деб бежизга айтилмаган. Демак, бу ёруғ оламда муносиб ўрин эгаллаш учун вақтни бекорга кетказмасдан билим ва кўникмаларни доимий равишда бойитиб бориш лозим.

Нима учун айнан глобллашув даврига келиб доимий ўқиш, гиёҳвандлик профилактикаси масаласининг долзарблиги ошиб бормоқда?

Биринчидан, бу янги технологияларни ўрганишнинг объектив эҳтиёжи билан боғлиқ. Кечагина компютер қишлоқ аҳолиси учун ракетага ўхшаш нарса эди, бугунги кунда эса бирон оила ёки ташкилотни компютер технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Компютер орқали электрон почта, интернет, янги ҳисоб дастурлари каби кўплаб имкониятлар вужудга келди. Бу янгиликларга бефарқ қарайдиганларни эса тез орада нафақат касбий, балки ижтимоий ҳаёт ортида қолмиш хавфи кутади.

Иккинчидан, ижтимоий муҳит мураккаблашиб бораётган бир вақтда инсонда доим ниманидир танлаш эҳтиёжи туғилади. Агар олдин бизни қандай маҳсулот (колбаса, нон, ёғ... кийим-кечак...) харид қилиш, қайси номзодга овоз бериш, қайси банкга пул қўйиш ёки фарзандларни қайси боғча, мактабга бериш унчалик қизиқтирмаган бўлса (танлаш учун имкониятлар майдони торлиги сабабли), эндиликда эса турли ширекламалардан бошимиз айланмоқда. Бундай шароитда кишида қанчалик ахборот кўп бўлса, том маънода у қанчалик маълумотли бўлса, шунчалик унинг танлови тўғри бўлади, чунки у рекламаларга эмас, ҳар гал ўзининг дунёқарашини, билимини ва эътиқодига таяниб қарор қабул қилади.

Учинчидан, маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўрни ва муҳимлиги. Ўзгаришлар даврида бунга гоё катта эътибор берилиши зарурий масала ҳисобланади. Бундай шароитда ҳар бир инсоннинг шахс сифатида шаклланишига, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилишига, инсоннинг доимий ўз билим ва кўникмаларини бойитиб боришига катта эътибор берилди.

Наркобелликни келтириб чиқарувчи омилларнинг бири таваккалчилик бўлиб, бу ўсмир ёшларнинг хавф-хатар сари етакловчи омил ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлмаслиги билан белгиланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда катта ёшдагилар (педагог, психолог, гуруҳ раҳбарлари, ота-оналар ва ҳ.к) ўсмир ёшдагилар психологиясини чуқур ўрганишлари шарт.

Америкалик психолог А.Маслоу фикрича, инсоннинг дастлабки эҳтиёжлари қондирилгандан сўнг — овқатда, бошпанада, хавфсизликда..., булар ўрнини сал мураккаб эҳтиёжлар эгаллайди, яъни ҳурматда, тан олинмишда, кимгадир ва нимагадир боғлиқлиқ қилишда. Бу зинанинг энг юқорисиди — ўз иқтисоди ва истеъдодини рўёбга чиқариш, мақсадга эришиш, жамиятда ўз ўрнини эгаллаш туради. Бу мақсадга эришиш эса фақат ўқиш ва ўрганиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли инсон комил инсон бўлиб етишиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ҳурмат-эътибор орттириши учун, биринчи навбатда, ўзининг маънавий манфаатини моддий манфаатидан устун қўйиши тақозо этилади. Президентимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" деб маънавиятга берган таърифларининг том маъноси ҳам шундадир. Шу сабабли инсон хоҳ ёш, хоҳ катта ёшда, хоҳ қария бўлсин фақат ўқиш орқали

гина ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўллари билан олиб олади, маънавий дунёси бой кишининг ўз орзуларига эришиш имкониятлари юқори бўлади.

Гиёҳвандлик профилактикаси олиб борилганда, дастлаб катталар (ўқитувчилар, психологлар, ота-оналар)ни ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Катталарни ўқитишнинг бир неча таъминоти бўлади.

Кўпинча катта ёшдагиларда "Менга шу ўқиш керакми?", "Шу ёшда менга ким нимани ўргатиши мумкин?", "Гиёҳвандликни менга қанақа дахли бор?" каби саволлар туғилади, шунинг учун машғулотга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш лозим. Кўп ҳолларда иштирокчилар ўзларининг хаёллари билан банд бўладилар, сизнинг сўзларингизга эътибор ҳам бермасликлари кузатилади. Масалан, дарсинг қачон ва қерда ўтказилиши, хонанинг мослиги, катта-кичиклиги, жиҳозларнинг қай тартибда жойлаштириши. Қандай қилиб аудиториянинг диққатини жалб қилишингиз (қизиқарли маълумотларни айтиш), иштирокчилар фикри билан қизиқингизни олдиндан ўйлаб кўришингиз керак. Гарчи иштирокчилар фикрини тинглашга вақт қолмаса, бу сизнинг катта хатоларингиздан бири бўлади. Бу эса "ўқитувчи — ўқувчи" ролин бажараётганингиздан далолат беради, бунга эса сира йўл қўймаслик керак.

Катталарни ўқитишда олиб борувчининг ўта ҳаяжонланмиши яна бир катта муаммо ҳисобланади. Бунинг асосий сабабини ҳар бир олиб борувчи билиб олиши шарт. Ҳаяжон олдин катталарга маъруза ўқимаганлигидан, ўзига ишонмаганлигидан, ўта уятчанликдан, хавфсизрашдан, ўзига баҳо беришнинг пастигидан, "тингловчиларга қизиқарли бўлмайди" деган фикрдан, ўз хаёлларига берилувчанликдан юзага келиши мумкин.

Бундай ҳолатга тушмаслик учун, асосан, қуйидагиларга эътибор бериш керак:

— бир кун олдин айнан машғулот ўтказилган хонада машқ ("репетиция") ўтказинг (иложи борида ёнингизда ҳеч ким бўлмасин);

— маъруза қилаётган жойга боринг, буш аудиторияга қараб боқинг, шу пайтда қандай кўринишда бўлишингизни тасаввур қилинг, овозингизнинг оҳангидан тортиб, нигоҳларингизга;

— маърузангизни кириш ва якуний қисмлари нимадан иборат бўлишини олдиндан режалаштиринг;

— маърузадан бир неча соат олдин, қулай жойда ўтириб, кўзингизни юминг, хаёлан ҳамма айтиладиган гапларни ва ҳаракатларни кўз олдингиздан ўтказинг.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, катталарни ўқитиш ҳар бир педагогдан алоҳида услубиёт, ўқитиш санъати, педагогик маҳорат талаб қилаётган жараёндир. Катталарни ўқитишда таълим сифати ва самарадорлигини фақат ўқитишнинг замонавий инновацион технологияларини, жумладан, интерактив ўқитиш услубларини ва ахборот-коммуникация тизимларини қўллаш орқали ошириш мумкин.

Гулшан ХУДОЁРОВА,  
ТАТУ Қарши филиали кафедра мудири,  
педагогика фанлари номзоди

Душанба

Инсонни фақат илмни ривожлантириш билангина бахтли қилиш мумкин.

Аҳмад ал-ФАРҒОНИЙ

Кураш

ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТЕРМИЗДА БЕЛЛАШДИ

Термиз шаҳрида кураш буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Х халқаро турнир ва катталар ўртасида VIII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу икки нуфузли мусобақада 50га яқин мамлакатдан 400 нафардан ортиқ полвонлар иштирок этди.

Ун минг томошабинга мўлжалланган замонавий "Сурхон" спорт мажмуасига келган минглаб кураш ишқибозлари сайёрамизнинг энг сара полвонларининг мурасасиз ҳамда ҳалол беллашувларини катта қизиқиш билан кузатди.

Буюк аллома хотирасига бағишланган Х халқаро турнирда полвонлар мутлақ вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Мусобақанинг финал учрашувида ҳамюртимиз Абдулла Тангриев япониялик Южи Онишини мағлубиятга уратиб, Х халқаро турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди ва Президентимиз совринини қўлга киритди. Учинчи ўрин сурхондарёлик Бахтиёр Менгликулов ва эронлик Раҳнаможован Ҳоҷатга насиб этди.

Катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионатида эркаклар ва хотин-қизлар 7 вазн тоифасида куч синашди. Эркаклар ўртасидаги финал учрашувларининг 73 килограмм вазн тоифасида сурхондарёлик Шерали Тўраев қашқадарёлик Давлат Абраевни мағлубиятга уратиб, олтин медалга сазовор бўлди. 81 килограмм вазн тоифасида қашқадарёлик Шухратжон Арслонов тожикистонлик Жамшеди Иззагулло устидан ғалаба қозонди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақанинг 70 килограмм вазн тоифасида кечган финал учрашувида қашқадарёлик Гулмира Исмаева жаҳон чемпионатининг олтин медали соҳибасига айланди.



Шахмат

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Тошкентда шахмат буйича ўтказилган I Марказий Осиё кубоги мусобақасида ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов бош совринни қўлга киритди.

Турнирда Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистондан жами элликдан зиёд шахматчи ғолиблик учун куч синашди.

Швейцария усулида тўққиз турдан иборат бўлган нуфузли мусобақада бош соврин учун кураш сўнги партиясига давом этди. Турнирни мағлубиятсиз яқунлаган халқаро гроссмейстери-миз Рустам Қосимжонов тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб, мусобақа ғолиби бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида барча совринли ўринлар Ўзбекистон вакилларига насиб этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Нафиса Мўминова олтин медални қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Хулқар Тоҳиржоновга, учинчи ўрин Ирина Геворкянга насиб этди.

Халқаро турнирда энг яхши натижага эришган Ўзбекистон терма жамоасига Марказий Осиё кубоги топширилди.



Футбол

ЭРТАГА ОФК ФИНАЛИ

Эртага Қаршидаги Марказий стадионда ОФК Кубоги финалининг ҳал қилувчи баҳсида "Насаф" ва "Қувейт СК" жамоалари ўзаро куч синашди.

Стадион 16 000 нафар ишқибозга мўлжалланганлиги туфайли ўйинда бирорта ҳам бўш жой қолмаслиги аниқ. Финал учрашуви билетлари ўйиндан бир кун олдин сотувга чиқарилади. Ушбу ўйин учун чипталар уч хил тоифада бўлиб, 1-тоифа чипта нархи 15 минг сўм, 2-тоифа чипта нархи 10 минг сўм этиб белгиланган. Стадиондаги V.I.P сектори учун ҳам махсус чипталар буюртма қилинган. Ушбу сектор учун чипта нархи 50 минг сўмни ташкил этади.

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗ ВЕТНАМ ТУРНИРИ ҒОЛИБИ

Футбол буйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Ветнам футбол федерацияси кубоги халқаро турнирида бош совринни қўлга киритди.

Турнирда малайзиялик тенгдошларини 3:1, Мянмани 2:1 ҳисобида ютиб, мезбонлар билан 1:1 ўйнаган Вадим Абрамов шогирдлари турнирда биринчи бўлди.

Иккинчи ўрин беш очко жамғарган мезбонларга насиб этган бўлса, тўрт очко тўплаган малайзияликлар учинчи поғонадан жой олди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

ЎзААнинг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбектелком" АК Самарқанд филиали, виллоят алоқа хўлмлари биришган касба уюшмаси кўмитаси, "Ўзи" кўйма қорхонаси маъмурияти меҳнат фажрийси

Насим ҚОБИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ҳайитмурод НИЁЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ЎзААнинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбектелком" АК Бухоро филиали, виллоят алоқа хўлмлари биришган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари Бухоро вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Бешим Ражабовга налари бузруквори

Мали бобо РАЖАБОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Бухоро вилояти Давлат алоқаси инспекцияси бошлиғи Бешим Ражабовга налари бузруквори

Мали отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Соҳа кубоги финалида иштирок этадиган пойтахт жамоалари қайдномаси

БИЛАЙН

1	Махаммадсандов Махмуд	1980 йил	Ички назорат буйича менежер
2	Салахитдинов Журъат	1981 йил	Кўчмас мулк ва қурилиш буйича етакчи мутахассис
3	Дадабаев Фарход	1983 йил	Худудни ривожлантириш буйича мутахассис
4	Светличный Валерий	1975 йил	Тармоқни эксплуатация қилиш хизмати раҳбари, Техник директор ўринбосари
5	Абдалов Шерзод	1987 йил	Худудни ривожлантириш буйича мутахассис
6	Норкулов Ровшан	1987 йил	Транспорт тармоғи эксплуатацияси бўлимининг катта муҳандиси
7	Назаров Жамшид	1990 йил	Оператив хизмат кўрсатиш бўлимининг мутахассиси
8	Хамраев Андрей	1987 йил	Транспорт тармоғи эксплуатацияси бўлимининг муҳандиси
9	Абдурахманов Асан	1970 йил	Транспорт ва радиоулашиш эксплуатацияси йўналиши раҳбари
10	Назарханов Даврон	1982 йил	Кузатиш ва эксперт хизмат кўрсатиш бўлимининг мутахассиси
11	Чичин Евгений	1986 йил	Тизим администратора
			жамоа вакили
Абдурахманов Асан			

БPM (ЎЗNET)

1	Шарипов Мирсултон	1982 йил	Бўлим бошлиғи
2	Набиев Рашван	1984 йил	Бўлим бошлиғи
3	Мухитдинов Азиз	1985 йил	Бўлим бошлиғи
4	Аширов Анвар	1982 йил	1-тоифали муҳандис
5	Шорахмелов Жасур	1984 йил	1-тоифали мутахассис
6	Алимов Фаррух	1988 йил	1-тоифали муҳандис
7	Ҳафизов Сарвар	1984 йил	2-тоифали муҳандис
8	Панов Евгений	1986 йил	2-тоифали муҳандис
9	Мираллимов Фаррух	1989 йил	2-тоифали муҳандис
10	Амиров Зикрилло	1991 йил	2-тоифали муҳандис
11	Мухаммаджонов Бекзод	1984 йил	2-тоифали муҳандис
12	Гафуров Рашван	1982 йил	1-тоифали муҳандис
Маликов Шухрат			жамоа вакили

ТАТУ

1	Семенов Александр	1955 йил	Кабинет мудири
2	Самегов Фурқат	1982 йил	Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси лаборанти
3	Ахмеджанов Аббос	1978 йил	Лаборант
4	Поланидиз Андонис	1987 йил	Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси лаборанти
5	Жўраев Лаизжон	1976 йил	Иқтисод ва бошқарув факултети, декан ўринбосари
6	Андреев Валерий	1979 йил	Катта лаборант
7	Исмағилов Дамир	1984 йил	Спорт клуби мудири
8	Ҳўдиров Абдували	1988 йил	2-курс магистри
9	Нарзиен Носир	1985 йил	2-курс магистри
10	Караматов Азамат	1989 йил	1-курс магистри
11	Сидиқов Жаҳонгир	1989 йил	1-курс магистри
12	Назиров Аваз	1989 йил	1-курс магистри
Элдор Қўшбахтиев			жамоа вакили

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ (ШАК)

1	Қаршиев Аслидин	1988 йил	ШМАТБ-4 электромонтёр
2	Қаримбердиев Даврон	1988 йил	ШМАТБ-1 электромонтёр
3	Суёнов Муртоза	1981 йил	ШМАТБ-8 электромеханик
4	Ҳолматов Акмал	1985 йил	ШМАТБ-4 электромонтёр
5	Хатамов Файзилло	1980 йил	ШМАТБ-2 Кабелчи пайвандловчи
6	Кузиев Рустам	1987 йил	ШМАТБ-4 электромонтёр
7	Шарафиддинов Азамат	1982 йил	ШМАТБ-4 электромеханик
8	Ибрагимов Ахмад	1985 йил	ЛКХ, муҳандис
9	Мухаммадов Аброржон	1976 йил	ШМАТБ-5 тармоқ алоқа боғламаси бошлиғи
Саримсаков Қахрамон			жамоа вакили

ТШТТ

1	Абдумуминов Абдурашид	1965	Директор
2	Ҳанжаков Жамшид	1977	Нозим
3	Эргашев Шерзод	1979	Электромонтёр
4	Кўчкартаев Сарвар	1974	Янги технологиялар марказининг етакчи мутахассиси
5	Анваров Булат	1988	Электромонтёр
6	Турсунов Фаррух	1988	Электромонтёр
7	Камалов Фаррух	1979	Электромонтёр
8	Гуламов Хусниддин	1988	Кабелчи-пайвандловчи
9	Эргашев Ахмад	1984	Жисмоний тарбия буйича инструктор услубчи
10	Чориев Бахтиёр	1969	Етакчи муҳандис
Абдуллаев Аскар			жамоа вакили

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ

1	Нураниев Дилмурод	1983 йил	"Тошкент почтамти" филиали, бош ҳисобчи, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бўлим бошлиғи ўринбосари
2	Марьякубов Мирза	1976 йил	"Тошкент почтамти" филиали, Сиргали ПАТ оператори
3	Раҳимов Баҳоидир	1965 йил	"Тошкент почтамти" филиали, Мирзо Улуғбек ПАТ оператори
4	Ниезов Дониёр	1990 йил	"Тошкент почтамти" филиали, Мирзо Улуғбек ПАТ оператори
5	Умаров Ботир	1980 йил	"Тошкент почтамти" филиали, Мирзо Улуғбек ПАТ оператори
6	Шокаримов Шоҳкат	1985 йил	"Халқаро почтамт" филиали сараловчиси
7	Абдуғафуров Сардор	1991 йил	"Халқаро почтамт" филиали сараловчиси
8	Фозилдов Файзулло	1991 йил	Тошкент филиали, муҳандис
9	Исамухамедов Шоқир	1983 йил	Тошкент филиали, ҳайловчи
10	Азимов Жаҳонгир	1983 йил	"Тошкент почтамти" филиали, Транспорт бўлимининг бошлиқ ўринбосари
11	Шварев Сергей	1988 йил	"Postgate" ШК омбор мудири
12	Нурмухамедов Жамшид	1988 йил	Тошкент филиали, етакчи муҳандис
Расулов Жамолитдин			жамоа вакили

# Кимни бой дейиш мумкин?

Иброҳим Адҳам (а.с.) кўп йиллар дунё кезди — одамлардан садақа сўради, улар ҳаётини ўрганди, кўрган-кечирганларини уларга ўргатди ҳамда адашганларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилди.

Кунлардан бир кун бир одам келиб, унга хайр-эҳсон қилмоқчи эканлигини айтди. Иброҳим Адҳам унга бир оз си— новчан тикилиб туриб, шундай деди: — Агар бой одам бўлсанг, эҳсо— нингни қабул қиламан, шунга яхши бил— ки, мен камбағалларнинг эҳсон қилишларига рози бўла олмайман.

Келган одам ўзининг бой одам эканлигини айтди.

— Хўп, унда бисотингда қанча пулинг бор, — деди Иброҳим Адҳам.

— Ўн минг тилла тангам бор.

— Ўша тангаларинг йигирма минг бўлишини истайсанми?

— Ҳа, албатта.

— Ўттиз минг бўлишини-чи?

— Жуда соз бўларди-да!

— Демак, сен умуман бой эмас экансан. Бермоқчи бўлган пулларинг мендан кўра ўзингга кўпроқ керак экан. Билиб қўй — бой одам қаноатли одамдир. Доимо зиёдасига талабгор одам камбағалларнинг камбағали ҳисобланади. Мен сенинг эҳсонингни қабул қила олмайман.

**RIVOYAT**

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши ҳолатларида қандай жазо қўлланилади?**

**Султон ҚОДИРОВ**  
Куйи Чирчиқ тумани

— Агар транспорт воситаси ҳайдовчиси ана шундай қонунбузарликни содир этса, у

● Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдориди;

● Худди шундай қонунбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди;

● Икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдориди;

● Уч марта ва ундан орტიқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдориди жара солинишига сабаб бўлади.

**Дилшод УСМОНОВ,**  
хуқуқшунос

## БИЛАСИЗМИ?

◆ Қовун энг қийин ҳазм бўладиган егулик бўлиб, унинг тўлиқ ҳазм бўлиши учун 18 соат керак бўлади. Гўшт ва ошининг ҳазми учун 12 соат кетади.



◆ Тинч океанидаги Таити ороли аҳолиси калтакесакни "муқаддас мавжудот" сифатида ардоқлашади.

◆ "Бакалавр" сўзи инглизчада "бўйдоқ" деган маънони англатади.

◆ Трамвайнинг ватани Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри ҳисобланади. Бу шаҳарда 1880 йили биринчи трамвай қатнови йўлга қўйилган.



◆ Биринчи чойхона Японияда пайдо бўлган.

◆ Ҳиндистонда бир йилда туғилладиган чақалоқлар сони Австралиянинг жами аҳолисидан кўпроқни ташкил этади.



◆ Франция сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган мамлакатдир.

## Шу сонга телеграмма

**ОБУНА-2012**

"Ўзбектелеком" АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали 2012 йил учун "Xabar" газетасига жами 625 дона йиллик обуна бўлди.

К.ТАЖЕНОВ, филиал директори

## ALOQACHILAR IJODIDAN

### ҲУСНИНГГА КЎЗ ТЕГМАСИН, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

*Эрки учун курашган боболар ҳаққи,  
Тумарисдек жасур момолар ҳаққи,  
Тинчлик, деб айтилган санолар ҳаққи,  
Ҳуснингга кўз тегмасин, Ўзбекистоним!*

*Тинчликда куйлаган қушларинг ҳаққи,  
Тундаги соқилик, тушларим ҳаққи,  
Меҳмонни хушлаган хушларим ҳаққи,  
Ҳуснингга кўз тегмасин, Ўзбекистоним!*

*Тоғларда очилган лолалар ҳаққи,  
Бағрингда туғилган болалар ҳаққи,  
Дуога қўл очган оналар ҳаққи,  
Ҳуснингга кўз тегмасин, Ўзбекистоним!*

*Шарафли йўлдаги карвонинг ҳаққи,  
Карвонга муносиб Сарбонинг ҳаққи,  
Сарбоним кўзлаган давроним ҳаққи,  
Ҳуснингга кўз тегмасин, Ўзбекистоним!*

**Марғуба ҚОЗОҚОВА,**  
"Ўзбектелеком" АҚ Наманган филиали  
ЛАЦ бўлими муҳандиси

## Табриклимаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси ҳамда қасаба уюшмаси кўмитаси филиалнинг ишлаб чиқариш участкаси бўлим бошлиғи Болжон ЮСУПОВани кутлуг 50 ёши билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси муборак 60 ёшини нишонлаётган Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими Ҳайдарали ТҮЙЧИЕВни, Водил почта алоқаси тармоғи фахрийси Ҳанифа МАҲМУДОВани 55 ёши, Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Муҳаммаджон ИОНУСАЛИЕВни 50 ёши билан самимий табриқлайди. Уларга узоқ умр, фарзандлари камолтини кўришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали жамоаси Тошбулоқ почта алоқаси тармоғига бириктирилган почта хавфсизлиги хизмати бўлимаси техниги Авазхон ДАДАҚЎЗИЕВни 60 ёши билан чин дилдан кутлайди. Унга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар иқболини кўришликни тилайди.



## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайат раиси), Асадхон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ●  
Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1052 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қўроғ бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 12693 нуска.

## МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz  
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Муборак МИРҚАМОЛОВА.

## ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 224-91-56	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------